



# ORIENTAL RENAISSANCE:

*Innovative, educational,  
natural and social sciences*

[www.oriens.uz](http://www.oriens.uz)

ISSN: (E) 2181-1784

*Exact sciences*

*Natural sciences*

*Engineering sciences*

*Pedagogical sciences*

*Social and Human sciences*

*Philological sciences*

*Philosophy sciences*

*Economic sciences*

**VOLUME 4**  
**№11**  
**2024**





**ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL,  
NATURAL AND SOCIAL SCIENCES  
SCIENTIFIC JOURNAL**

**VOL. 4 / ISSUE 10  
ISSN 2181-1784**

**November  
2024**

---

**ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL,  
NATURAL AND SOCIAL SCIENCES  
SCIENTIFIC JOURNAL**

---

**EDITOR-IN-CHIEF**

**Prof. KADIROV MUKHAMMADJON**

Candidate of philosophical sciences, Associate professor of the department of  
“Oriental philosophy and culture” of Tashkent state university of oriental studies

**EDITORIAL BOARD**

**DSc. NODIRAKHON R. NISHONOVA**

Doctor of Philosophy,  
Head of the Department “Philosophy and  
National idea” of Tashkent State Technical  
University

**PhD. LAZIZ A. TURAEV**

Doctor of Philosophy (PhD) in Historical  
Sciences, Head of the Department for the  
organization of research activities of students of  
TSUOS

**Dr. KHOLMUMINOV JAFAR  
MUHAMMADIEVICH**

Doctor of Philosophical Sciences (DSc)  
Professor of the department of "Source Studies  
and Hermeneutics of Sufism" of Tashkent State  
University of Oriental Studies. Professor at the  
Antique World International Academy of  
Sciences

**PhD. FARHOD L. USMONOV**

Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophical  
Sciences, Senior lecturer of the Department of  
Social Humanities of Tashkent State University of  
Economics

**Dr. AZAMAT B. KHAYRIDDINOV**

Candidate of Economic Sciences  
Associate professor of Karshi Institute of  
Engineering and Economics

**Prof. Dr. ULFATKHON MUHIBOVA**

Doctor of Philological Sciences  
Head of the department of South and Southeast  
Asian Languages of Tashkent State University of  
Oriental Studies

**Prof. Dr. SULTON F. AMIROV**

Doctor of technical sciences  
Head of the department of Electricity Supply of  
Tashkent State University of Transport

**Prof. Dr. TULKIN M. TOGAEV**

Doctor of Philological Sciences  
Head of the Department of Uzbek Linguistics of  
Tashkent State University of Uzbek Language and  
Literature named after Alisher Navoi

**Dr. NAUMENKO A. OLEG**

Candidate of Philosophical Sciences Associate  
Professor of the Department of Social Sciences  
and Technologies, National Research  
Technological University MISIS, Moscow,  
Russia

**Dr. IMAM K. WAHYUDI**

Doctor of Philosophy (PhD)  
in Philological Sciences  
Head of Office of International Affairs and  
Faculty Member, Faculty of Teacher Training and  
Education of Universitas Islam Malang, Indonesia



---

**Dr. AZIZ KH. KHUDOYBERDIEV**

Candidate of Historical Sciences, Associate professor of the department of Eastern countries and Anthropology of Tashkent State University of Oriental Studies

**Dr. SAYYORA N. KHAMRAEVA**

Doctor of Philosophy (PhD) in economics  
Head of the department of Innovative Economics of Karshi Institute of Engineering and Economics

---

**Dr. ALISHER N. NAZAROV**

Doctor of Philosophy in Political Sciences (PhD), Senior Lecturer of the Department of Oriental Politics and International Relations, Tashkent State University of Oriental Studies

**Dr. ERKIN A. RAKHMATOV**

Doctor of Philosophy (PhD) in Technical Sciences, Head of the Department of Oil and Gas Processing Technology, Karshi Engineering and Economics Institute

---

**Dr. PHOOL BADAN**

Doctor of Philosophy in Political Sciences (PhD), Professor of the School of International Studies, Jawaharlal Nehru University

**Dr. SIROJIDDIN S. NURMATOV**

Candidate of Philological Sciences  
Associate professor of Tashkent State University of Oriental Studies

---

**Dr. METIN ORBAY**

Doctor of physics and mathematical science (DSc), Professor of Faculty of Education of Amasya University

**Prof. PhD. SAO FEY**

Professor of Hangzhou Normal University, Linguist.

---

**Prof. Dr ASIF MAHBUB KARIM**

Doctor of Philosophy in Business administration (PhD), Dean, professor Binary Graduate School, Binary University of Management & Entrepreneurship

**Prof. YALCHIN KAYALI**

Ankara University, Faculty of Languages and History-Geography, Department of Eastern Languages and Literatures, Sub-Department of Indology, Faculty Member.

---

**Dr. NIGORA Z. SAYDALIEVA**

Candidate of Philosophical Sciences  
Senior Lecturer of the department of Oriental Philosophy and Culture of Tashkent State University of Oriental Studies

**Dr. K.K. KHAKBERDIEV**

Doctor of Philosophy (PhD) In Economics  
Director of the Center for Scientific analysis of the study of the development of Eastern Countries at the Tashkent State University of Oriental Studies

**САЪДИДДИН ШПУН ИЖОДИДА ТАРИХИЙ РОМАН МАСАЛАСИ  
("Шин тоғай" – "Яшил чакчайган" ва "Самце ёрон" – "Фордаги дўстлар"  
романлари мисолида)**

**С. Қорабоев**

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**АННОТАЦИЯ**

*Саъдиддин Шпун пушту адабиётининг ёрқин вакилларида бири ҳисобланади. У ҳам насрда, ҳам назмда самарали ижод қилган адиб сифатида танилди. Унинг ижодидаги роман жанри, айниқса тарихий роман масаласи жуда қизиқ ва аммо шу вақтга қадар таҳлил этилмаган масаладир. Ушбу мақолада унинг "Шин тоғай" – "Яшил чакчайган" ва "Самце ёрон" – "Фордаги дўстлар" романлари таҳлилга тортилган. Таҳлил жараёнида асосий эътибор романларда тарихий ҳақиқатнинг талқин этилиши масаласи ҳамда уларнинг бадииятига қаратилган.*

***Калит сўзлар:** роман жанри, пушту адабиётида тарихий роман масаласи, асар қаҳрамонлари, романда давр ижтимоий муҳити, миллий қаҳрамонларнинг романлардаги талқини, романда севги можаролари ва пушту романларида аёллар ҳуқуқсизлиги масаласи.*

**ABSTRACT**

*Sa'duddin Shpun one of lightest representative of Pashto literature. He has lots of written works both in prose and poetry. Novel, especially historical novel in his works is very interesting, but it hasn't been analyzed up to now. In this article briefly analyzed two novels of the above-mentioned novelist, such as "Shin tog'ay" – "Green eyes" and "Samtse yoron" – "Friends in the cave". The analysis focuses on the issue of interpretation of historical reality in the novels as well as their fictionality.*

***Key words:** novel genre, the issue of the historical novel genre in Pashtu literature, heroes of works, national heroes, depiction of the social environment of the historical period, love conflicts in historical novels.*

**КИРИШ**

Роман жанри турлари тадқиқ этилганда унинг анъанавий, ижтимоий-психологик, тарихий-биографик, ишқий, маиший, тарбиявий, сатирик, саргузашт ва детектив каби бир қанча турлари таҳлилга тортилади. Тарихий мавзуларда ёзилган асарлар асосан анъанавий ва тарихий-биографик турга мансуб бўлиб, анъанавий романнинг ўзига хос томони унда маълум бир

тарихий даврдаги ҳаёт ҳақиқати, конфликт ва муаммоларнинг ижтимоий илдизлари очишга эътибор қаратилади. Агар роман навис кучли иқтидор эгаси бўлса, ўша даврдаги ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқат даражасига олиб чиқа олади.

Пашту адабиётидаги анъанавий тарихий романнинг ўзига хос намунаси сифатида Саъдиддин Шпуннинг “Шин тоғай” – “Яшил чакчайган” ва “Самце ёрон” – “Ғордаги дўстлар” асарларини кўришимиз мумкин.

Саъдиддин Шпун 1998-йилда “Шин тоғай” – “Яшил чакчайган” номли тарихий роман ёзди. Ушбу асар Совет-Афғон уруши ҳақида бўлиб, асар қаҳрамони Доктор Муҳибуллонинг афғон муқоамат кучлари томонидан ёлланиб, уларнинг махфий топшириғини бажариши, кейинчалик улардан кўнгли қолиб, муқоамат кучлари сафидан чиқиши, Покистонга Пешовар шаҳрига бориб, у ерда француз махсус хизмати вакиллари илтимосига кўра, ўзининг эски таниши бўлган муқоамат кучлари вакилини қутқариш жараёни тасвирланган. Муаллиф асарни қаҳрамоннинг қийин кунларда корига яраган, ёлғизлигида жонига оро кирган автомобили (фургони)нинг номи билан атаган.

Доктор Муҳибулло Германияда юрган пайтларида олган фургони ихчамгина кўчма уй бўлиб, унинг ичи яшаш учун мослаштирилган. Ранги яшил бўлганлиги ва катта-катта олд чироқлари сабабли қаҳрамоннинг қишлоқдошлари машинага “Шин тоғай” – “Яшил чакчайган” деб ном қўядилар.

“Яшил чакчайган” асар давомида бош қаҳрамоннинг доимий ҳамроҳи бўлади. Доктор Муҳибуллонинг муқоамат кучлари сафига қўшилиб қолишига ҳам унинг фургони сабаб бўлади. Кунлардан бир кун эски таниши Доктор Зривар келиб, унга аниқроғи, унинг фургонига иш борлигини айтади. Муқоамат кучлари томонидан Муҳибуллога берилган махфий топшириққа кўра, у сотилган рус офицеридан қурол-аслаҳани фургонига юклаб, белгиланган манзилга олиб бориши ва муқоамат кучлари вакилларига топшириши керак эди. Ватан олдидаги бурчини англаб етган Доктор Муҳибулло “Яшил чакчайган”га рус офицеридан олинган қуролларни юклашга рози бўлади.

Собиқ Совет армияси қўшинларининг чекланган контингенти Афғонистонга кирганидан кейинги вазиятни муаллиф бош қаҳрамоннинг укаси тилидан қуйидагича тасвирлайди:

“Ота-онам вафот этганида жуда ҳафа бўлган эдим, яхшиям ўша пайтлари ўлиб кетишган экан”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> سعد الدین شپون ، شین تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۱۷ مخ

Муаллиф мамлакатдаги ички вазиятни махаллий аҳоли турмуш тарзининг салбий тарафга ўзгариши билан ифодалай олган бўлса, Совет тузумини хатто ўз аҳолисига ҳам зулм ўтказадиган тузум сифатида совет кишининг тақдири орқали ёмонлайди. Романда рус офицерларидан бири отаси Сталинград (ҳозирги Волгоград) мудофаасини ташкил этган қаҳрамонлардан эканлигини айтиб мақтанади. Кейинчалик маълум бўладики, Сталинград мудофааси қаҳрамонлардан ҳисобланган отаси Сталиннинг буйруғи билан қатл қилинган. Асарда ушбу рус офицери тимсоли орқали собиқ Совет ҳарбийлари ичкиликбоз қилиб кўрсатилган.

Ўша даврдаги мураккаб сиёсий вазият туфайли афғон халқи, зиёлилари ва юқори табақа вакиллари икки қурашаётган томон ўртасида қолганлиги маҳорат билан тасвирланган. Хатто афғон махсус хизмати вакиллари ҳам икки хил тасвирланган. Афғонистон Давлат хавфсизлик хизмати (*Хидмат-и амният-и давлат – ХАД*) вакиллари билан Совет армияси таъсирида улар каби ичкиликка муккасидан кетган ва хотинбоз сифатида тасвирланган бўлса, яна бири (аёл киши) инсофли, халқпарвар қилиб тасвирланган. Айнан шу халқпарвар аёл ходим бош қаҳрамонда ўзига хос таассурот қолдиради. Унинг намоз ўқиётганини кўрган Доктор Муҳибулло “Сиз марксчи (коммунист)масмисиз?” деб таажжуб билдирганда қиз “марксчи бўлсак ҳам, кофир эмасмиз” деб жавоб қайтаради. У асар охирида бош қаҳрамон билан Покистонга кетади ва бахтли ҳаёт кечиради.

Муаллиф уруш шавқатсизлиги ҳар иккала томонни кескин чоралар кўришга мажбур қилганлигини асар қаҳрамонининг топшириқни яқунлаш арафасидаги аҳволи билан кўрсатиб беради. Доктор Муҳибулло унга ҳамроҳлик қилаётган қизни ўлдириш ҳақида буйруқ олганда унинг муқовамат кучларидан ҳам кўнгли қолади ва икки ўт орасида қолган қаҳрамон “Сен ҳам йўқол! Муқоваматинг ҳам йўқолсин”<sup>2</sup>, деб ҳайқиради. Чунки муқовамат кучлари учун жонини хатарга қўйиб, уларнинг махфий топшириғини бажариб бўлгандан кейин қизни йўқ қилмаса, унинг ўзига ҳам ўлим билан таҳдид қилишади.

Асарда паштун халқи руҳияти ҳам жуда яхши очиб берилган. Бу муқовамат кучлари томонидан жанг қилиб, ҳалок бўлган профессор билан суҳбатда очиб берилган.

“ – Ўзингни нима учун қурбон қилдинг? Ислом (дин маъносида - тарж.) учунми?

– Йўқ. Ислом мендан олдин бўлган, ҳозир бор ва мендан кейин ҳам бўлади.

– Ватан учунми?

<sup>2</sup> سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۶۵ مخ 2

– Йўқ, чунки ватан ҳам шундай?

– Унда нима учун?

– Ўзим учун.

– Қанақасига?

– Агар мен ўзимни қурбон қилмаганимда ўзимдан нафратланиб яшардим.”<sup>3</sup>

Паштунлардаги муассиблик Афғонистонни коммунизмдан асраб қолганини ёзган муаллиф ушбу қаҳрамон – ҳалок бўлган профессор тилидан уларнинг шиорини келтиради: “Ё озодлик, ёки ўлим”.

Асар анъанавий тарихий роман шаклида, яъни ғарб эстетикасидаги “Валтер Скотт романи” тарзида ёзилган бўлиб, уни ўқиш давомида ёзувчи мохир санъаткор сифатида майдонга чиққани кўзга ташланади. Романда тарихни хроникали тавсиф этиш йўқ, тарихни воқеалар ривожини орқали кўрсатиш тенденцияси кучли. Асарни гарчи унинг бош қаҳрамонлари тўқима образлар бўлса ҳам, тўла маънода тарихий роман дейиш мумкин. Чунки унинг асосида маълум бир тарихий даврни тасвирлаш ғояси ётибди.

Шу билан бирга романда бир қанча этнографик маълумотлар ҳам берилган. Жумладан, Доктар Муҳибулло отасининг дўсти Пирали олдида бориш жараёнида унинг асли келиб чиқиши ярим тожик, ярим ҳазора эканлиги, ҳазораларнинг ерлари асли Бағлон вилояти Души туманидан бошланиши, Тўла-Барфак, Дуоб туманларидан Бомийнганча бўлган ҳудудларда ҳазоралар яшаши, уларнинг урф-одатлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтади.<sup>4</sup> Уларни оқибатли ва меҳрибон одамлар сифатида тасвирлайди.

Муаллиф нафақат ҳазоралар, балки паштунларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Қаҳрамон Покистонда муҳожирликда юрган пайтларида туғруқ жараёнида қатнашади. Қиракашлик қилаётганида йўловчи аёлни тўлғоқ тутиб қолади. Шу пайт Доктар Муҳибуллонинг олдин шифокор бўлганлиги қўл келади. Ҳомиладор аёлни туғдириб бўлгандан кейин ёшлигида қишлоғида ҳомиладор аёлнинг туғиш жараёнида маҳалла болалари эшик тагига бориб, “зир йе кре, нар йе кре”<sup>5</sup> – “тез туғинг, ўғил бола туғинг” деб бақириб одатларини эслайди.

Покистоннинг шимолий-ғарбий чегарабўйи вилояти (ҳозирги Хайбар-Паштунхва провинцияси) маркази Пешовар шаҳри паштунлар яшайдиган жой бўлса ҳам, Афғонистондан кўчиб келган асар қаҳрамонига бегонадек туйилади.

<sup>3</sup> سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۹۳-۹۴ مخونه

<sup>4</sup> سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۶۶ مخ

<sup>5</sup> سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۷۴ مخ



У “Пешоварда ҳамма нарса менга бегона, хатто мулланинг азони ҳам”<sup>6</sup>, деб таъкидлайди. Бу фикр ўша пайтда Покистон бизнинг иккинчи уйимиз дейдиган паштунлар ғоясига умуман зид эди. Бу албатта қахрамон дунёқараш ва ички дунёси билан боғлиқ. Доктор Муҳибуллога бу ердаги барча нарса, воқеа-ҳодисалар сиёсий мақсадларга йўналтирилгандай, сахналаштирилгандай туйилади. У “Пешовардаги менга ёқадиган ягона нарса хўрознинг қичқирғи, чунки унда сиёсат йўқ”<sup>7</sup> дейди.

Асар қахрамони “Покистондаги муҳожир афғонларга босим ўтказилмоқда”, деб тўғридан-тўғри айтмаса-да, унинг сўзларидан хатто дин ҳам сиёсатга айлантирилганлиги англашилади. Доктор Муҳибулло “Ростини айтсам масжиддан кўркаман. Чунки Оқмасжидга (*Пешовар шаҳридаги масжиднинг номи*) намоз ўқишга борганимда, у ерда айрим пешоварликлар кўлларини аёллар каби кўкракларига қовуштириб намоз ўқиётганликларини кўрдим”<sup>8</sup> деб ёзади. Бу хатто Совет Иттифоқи кўшинларининг чекланган контингентига қарши курашаётган мужоҳидлар томонида турган уларнинг тарафдорларига ҳам ғайритабиий кўринади ва уларнинг ҳам эътирозига сабаб бўлади. Доктор Муҳибулло зиёлиларнинг Муқоваматчилар таркибида жанг қилишини худди чўлнинг ўртасида турган кемага ўхшатади.

“Шин тоғей” асари афғон зиёлилари орасида қизгин бахсларга сабаб бўлди. Чунки ўша пайтда афғонларнинг орзу, умидларини рўёбга чиқариши керак бўлган муқовамат кучларининг ички аҳволини очиб берди. Асарда “авваллари умри тоат, ибодатда ўтиб, бориға қаноат қилиб шукроналик билан яшаган, ўз ишини виждонан бажарган диндорлар эндиликда доллар ва риёл билан бошқарилаётганлиги” очиқ-ойдин ёзилган. Муаллиф буни ўз вақтида ва тўғри англаган эди.

Шунинг учун ҳам С.Шпун Афғонистон озодлиги ва муқовамат кучлари тарафдори бўлса-да, улар томонида туриб, кўлига қурол олиб жанг қилмади. У афғон миллатига озодликни кўлга киритишга ёрдам бераётганлар аслида уларни иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдамлари воситасида ўзларига қарам қилаётганликларини тушуниб етганди.

Дарҳақиқат, тарих буни кейинчалик исботлади. Собиқ Совет Иттифоқи Афғонистондан чиқиб кетгач ҳам урушнинг тугамаганлиги, бир фронтда жанг қилган муқовамат кучлари ҳокимият учун курашда биродаркушлик урушига

6 سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۷۶ مخ

7 سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۷۶ مخ

8 سعد الدين شپون ، شين تاغی ، ۱۹۹۸ م ، لاهور ، ۷۷ مخ

киришиб кетганлиги Афғонистондаги вазият ташқаридан туриб бошқарилаётганлигидан далолат берарди.

Асарнинг яна бир ўзига хос томони унда совет-афғон уруши давридаги воқеа-ҳодисалар асосан ўрта табақанинг фаолияти орқали ёритилади. Мазкур даврда Афғонистонда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар, комунистик тузум ва капиталистик ғарб ўртасидаги кураш зиёлилар, ҳарбийлар ва махсус хизмат вакиллари фаолияти воситасида очиб берилади. Муаллиф асар қаҳрамонининг Покистон ҳудудида Франция махсус хизмати вакилидан топшириқ олиб, Афғонистонга келиши, Афғонистонда хизмат қилаётган рус амалдорининг французлар томонидан ёлланиши орқали мамлакатдаги вазиятга ташқи кучларнинг қанчалик аралашувини кўрсатиб берган бўлса, асирга тушган ХАД ходимининг муқоамат кучлари томонидан Тўра Бура тоғига олиб кетилиши орқали ички мураккаб вазиятни, томонлар орасидаги кескин курашни ёритиб бера олган.

Айтиб ўтиш керакки, Садиддин Шпуннинг “Самце ёрон” – “Ғордаги дўстлар” романи ҳам анъанавий тарихий роман турига кириб, “Шин тоғей” – “Яшил чақчайган”нинг мантиқий давоми ҳисобланади. 2002 йилда чоп этилган ушбу асар Афғонистондаги Совет-афғон урушидан кейинги вазият, фуқаролик уруши ва толиблар бошқарувининг 1-давrigа (1996-2001 йй.) бағишланган.

Асарда Совет-афғон урушидан кейинги вазият унинг вайронагарчилиги билан бирга мустамлакачилик сиёсатининг маънавий оқибатлари, инсонлар онгида вужудга келган тажовузкорлик, мутаассиблик ва миллатчилик ғоялари ҳам очиб берилган.

Шунингдек, Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) ичидаги “халқчилар” ва “байроқчилар” фракциялари ўртасидаги ҳокимият учун кураш ҳам акс этган. “Халқчилар” фракцияси асосан пуштунлардан “байроқчилар” эса тожик ва бошқа миллат вакилларидан ташкил топганлиги сабабли фракциялар орасидаги кураш миллатчилик даражасигача етиб боради. Онги миллатчилик ғояси билан заҳарланган қаҳрамонлардан бири собиқ Совет иттифоқининг Афғонистондаги сиёсати ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Руслар кўриниши бизга ўхшагани ва форсийни тушунгани учун бизнинг устимизга тожикларни юборган экан.”<sup>9</sup>

Асарда Афғонистонда комунистик тузумнинг мағлубияти сабаблари таҳлил этилиб, асосий омиллардан бири сифатида улар орасидаги бирдамлик йўқлиги ва халқ томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги кўрсатилади.

سعد الدين شپون ، د سمڭي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۲ مخ 9

Асар қаҳрамонларидан бири “Таракий «Дехқонларнинг мулкига тегманг. Худодан кўрқинг, уларга зулм қилманг» деяпти”, деб Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) раҳбари Нур Муҳаммад Таракийнинг ёнини олган пайтда бош қаҳрамоннинг онаси “Худонинг номини тилга олган бўлса ҳам, у русларнинг одами”,<sup>10</sup> деб таъкидлайди. Ўша ердаги одамлар унинг фикрини қўллаб-қувватлаганлиги эса Собиқ Совет иттифоқига маҳаллий одамларнинг муносабатини билдиради.

Асарда афғон жамиятидаги ижтимоий қадриятлар ҳам таҳлил этилиб, қаҳрамонлардан бири, яъни Сафир соҳиб (элчи, исми келтирилмаган) АХДП раҳбарларидан бири Ҳафизулло Аминга “Афғонистонда ислом ва миллатчиликдан бошқа сиёсат муваффақиятга эришмайди”,<sup>11</sup> деб маслаҳат беради.

Асар қаҳрамони доктор Камолхон яқин дўсти ва маслақдоши Сафир соҳиб зиёфатда Совет иттифоқига қарши гапиргани учун ўлдирилганидан кейин мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Муаллиф Совет-афғон урушининг салбий оқибатлари йиллар давомида унитилмаслигини ифодалаш учун бош қаҳрамон Америкадан қайтиб келган вазиятни қуйидаги эпизод билан тасвирлайди.

Бош қаҳрамон бутун оиласи билан қириб ташланган кўшниси Ҳожи Султоннинг қабристонга айланган ҳовлиси олдида йиғлаётган пайтида жияни “Амаки ҳали кўп шаҳидлар сизга мунтазир бўлиб турибди, барча кўз ёшларингни бу ерда тугатиб қўйманг”<sup>12</sup>, деб таъна қилади.

Романда Собиқ совет иттифоқига нисбатан бир тарафлама муносабат мавжуд. Унда элчини тилидан “Сталиндан бошлаб Брежневгача барча ҳокимиятга келган амалдорлар КГБнинг жосусидир”,<sup>13</sup> деган даъво келади. Ваҳоланки, И.В.Сталин ҳокимиятга келган пайтда КГБ ташкилот сифатида мавжуд эмасди.

Романда Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Масалан, бош қаҳрамон Покистондан АҚШга бориб, шифокор сифатида ишлаб юрганида Вьетнам ва Яқин шарқдаги урушларда қатнашган шифокорлар “**Agent orange**” – “Норинжи захар” деб номланган биологик қурол устида тадқиқот<sup>14</sup> олиб бораётганлигини ҳам ёзиб қолдирган.

<sup>10</sup> سعد الدين شپون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۱۷ مخ

<sup>11</sup> سعد الدين شپون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۸ مخ

<sup>12</sup> سعد الدين شپون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۱۰۷ مخ

<sup>13</sup> سعد الدين شپون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۳۶ مخ

<sup>14</sup> سعد الدين شپون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۴۹ مخ

Романда толиблар даври ҳам халқ томонидан у қадар қўллаб-қувватланмаганлиги келтирилган. Толиблар даврида мусиқа эшитиш, рақсга тушиш, баланд овозда кулиш каби одатий ҳолатларга ҳам таъқиқ қўйилиши кўпчилиكنинг норозилигига олиб келади. Айниқса, аёлларга қўйилган чекловлар кучли диндор ҳисобланган бош қаҳрамоннинг онасини ҳам ажаблантиради.

Асарда паштунволай тамойилларидан бири ҳисобланган “нинавотъ” – “бошпана” принципига яққол мисол келтирилган. Дўсти ота-бобосидан қолган қуролни олиб келиб, яшириб қўйишни сўраганида қаҳрамон ушбу тамойилга<sup>15</sup> кўра у дўстига ёрдам беришга мажбур бўлади.

Романда пуштунлар ҳаётига оид яна бир одат ифодаланган бўлиб, унга кўра, бош қаҳрамон яшайдиган қишлоқда (*номи келтирилмаган*) атрофдаги бошқа қишлоқларда бўлгани каби уйга нотаниш одам меҳмон бўлиб келса, қишлоқнинг барча аҳолиси пуштун бўлгани ҳолда унга дарий (*асарда “форсий” деб берилган*) тилида гаплашилади.<sup>16</sup>

Асарни ўқиш жараёнида муаллиф ишқий роман ёзишга ҳаракат қилган, лекин мамлакатдаги ички вазият бунга йўл қўймагандек, таассурот уйғонади. Чунки бадийликни ифодалаш учун ҳам мамлакатдаги воқеа-ҳодисалар мисол қилиб кўрсатилади. Масалан, бош қаҳрамон севгилисидан қочиб, Мозори-Шариф шаҳрига кетаётганида ўзини Толиблардан шимолга қараб қочган Аҳмадшоҳ Масъудга<sup>17</sup> ўхшатади. Бир вақтнинг ўзида бундан мамлакатнинг шимолий қисми нисбатан тинч ва беҳавотир жойлар эканлиги ҳам маълум бўлади.

Мозори-Шариф шаҳрида толибларнинг вилоят ҳокими томонидан Дашти Лайли деган жойда уч минг толибнинг тириклайин кўмилиши эсланади.<sup>18</sup> Асар бош қаҳрамони доктор Камолхон Дашти Лайли (Лайли дашти) қатлида иштирок этган аскарни ўлимдан қутқариб қолади.<sup>19</sup>

Асарда муаллиф бир томонлама ёндашувга йўл қўйган. Чунки Дашти Лайли қатли аслида бир-бирига қарши қурашаётган ҳар иккала тараф томонидан содир этилган. 1997 йилнинг май-июл ойларида толиблар ва “шимолий альянс” ўртасидаги Мозори-Шариф шаҳри учун бўлган биринчи урушда А.Дўстумнинг генералларидан Абдул Малик Паҳлавоннинг қўли баланд келади ва асирга тушган икки минг толибни Дашти Лайлида қатл

<sup>15</sup> سعد الدين شيون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۶ مخ

<sup>16</sup> سعد الدين شيون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۱۰۹ مخ

<sup>17</sup> سعد الدين شيون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۰۹ مخ

<sup>18</sup> سعد الدين شيون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۱۵ مخ

<sup>19</sup> سعد الدين شيون ، د سمخي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېڭنور ، ۲۱۶ مخ



(асарда муаллиф шу қатлни назарда тутган) эттиради.<sup>20</sup> 1998 йилнинг август ойида Балх вилоятини эгаллаган толиблар ўлдирилган асирлар учун ўч оладилар. Ўзбек, тожик ва ҳазоралардан иборат икки мингтача одам ўлдирилади ва Дашти Лайлига олиб бориб ташланади.<sup>21</sup>

Муаллиф толиблар ҳукмронлигига ўз норозилигини асар қаҳрамонлари тилидан ифодалаб, улар томонидан кўйилган чекловларга эътирозлар билдирса ҳам, толибларнинг ушбу жинойтини ёритмасликка қарор қилади.

Минг афсуски, Дашти Лайлида содир этилган жинойтлар шу билан тўхтаб қолмади. 2001 йилнинг декабрь ойида Қундуз шаҳрида асирга тушган толиблар ва халқаро террористик ташкилотларнинг аксарияти Покистон, Марказий Осиё ва кавказлик бўлган бошқа аъзолари Шибирғондаги қамокхонага олиб кетилаётган пайтда ўлдирилади ва айнан Дашти Лайлида биродарлик қабристонларига кўмилади. Бу фактни ўша пайтдаги асирларни кузатиб боришга масъул бўлган А.Дўстум кўшинлари ҳам, АҚШ бошчилигидаги коалиция кучлари ҳам рад этадилар. Лекин “Чегара билмас шифокорлар” олиб борган суриштирувлар натижасида Дашти Лайлида жуда кўп биродарлик қабристонлари аниқланган.

“Ғордаги дўстлар” романида 2001 йилнинг сентябрь ойигача бўлган воқеалар қамраб олингани учун бу “Дашти Лайли қатли”нинг ушбу қисми асарда ёритилмаган. Чунки бу ҳодисалар 2001 йилнинг декабрь ойида АҚШ ва коалиция кучлари Афғонистонда антитеррористик кураш бошлагандан кейин содир этилган.

Балх вилоятидан қайтаётганларида Пули-Хумрида кабоб ейиш пайтида бош қаҳрамон Камолхонни бу ерда Дўстумнинг пули амалда эканлиги ҳайратга солади. Унинг келтиришича, Дўстумнинг пули ўша пайтдаги ярим афғонийга тенг миқдорда алмаштирилган.<sup>22</sup>

Доктор Камолхон мамлакатдаги бахтсизликларнинг асосий сабабчиси, айбдори сифатида русларни кўради. Бахтжамола деган қизнинг онасини ўлимида русларни айбдор деб билади.<sup>23</sup> Бахтжамола онасининг қотили сифатида отасини айблайди. Чунки унинг онасини рус аскарлари бадном қилганларидан кейин қизнинг отаси уни жар ёқасига олиб боради. Нима учун жар ёқасига олиб келинганини тушунган она ўзини жарга ташлайди. Бу ҳаракати билан у ҳам хўрлик азобини кўтариб яшашдан қутилиши, ҳам оила

<sup>20</sup> [www.Wikipedia](http://www.Wikipedia). Массовые захоронения участников Гражданской войны в Афганистане.

<sup>21</sup> [www.Dasht-e Leili - Wikipedia.html](http://www.Dasht-e Leili - Wikipedia.html)

<sup>22</sup> سعد الدين شپون ، د سمځي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېښور ، ۲۲۶ مخ

<sup>23</sup> سعد الدين شپون ، د سمځي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېښور ، ۲۴۸ مخ

шаънига тушган доғни ўз қони билан ювиши керак эди. Қиз онасини жар ёқасига олиб келиб, уни ўлимга ҳукм қилганлиги учун отасини қотил сифатида кўрса, бош қаҳрамон Камол эса қотил вазиятни шу даражага олиб келган русларнинг буюк давлатчилик даъволари, деб ҳисоблайди.

Бахтжамоланинг отаси мулла Абдурахмон қишлоқ аҳли тўпланган жума намози пайтида “ал-Қаҳф” – “Ғор эгалари” сурасини ўқийди.<sup>24</sup> Шундан сўнг бир мўйсафид меҳробга чиқиб, Қуръондаги “Ғор эгалари” қиссасини сўзлаб беради.<sup>25</sup> Бу ҳикоя одамларга жуда кучли таъсир қилади. Худди ўзларини ҳаётини ҳикояларидек қабул қиладилар. Муаллиф ҳам асарда ҳамма қишлоққа қайтиб келгандан кейин ҳам ўз қизи ва ити билан ғорда яшаётган мулло Абдурахмон образини киритиши бунга ишора қилгандек бўлади. “Ғор эгалари” қиссасида ҳам одамлар билан бирга бир ит ғорда камалиб қолади.

Шу тариқа XX асрнинг биринчи ярмида шаклланган пашту адабиётидаги роман жанри XX асрнинг охирларига келиб, мавзу ва сифат жиҳатдан анча такомиллашган жанрга айланди. Тарихий мавзуларда ёзилган романларнинг аксарияти тарихий-биографик турга мансуб бўлса-да, анъанавий тарихий романлар маълум тарихий даврдаги ҳаёт ҳақиқати, аҳоли дуч келган турли муаммоларнинг ижтимоий илдизлари очишга хизмат қилиши билан пушту романчилигида ўзига хос ўрин тутади. Саъдиддин Шпуннинг “Шин тоғай” ва “Самце ёрон” асарлари пашту адабиётидаги ана шундай анъанавий тарихий роман намунаси сифатида дунёга келди ва улар пашту романчилигидаги анъанавий тарихий романнинг такомиллашган жанр сифатида шаклланишига хизмат қилди.

<sup>24</sup> سعد الدين شپون ، د سمځي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېښور ، ۲۵۴ مخ

<sup>25</sup> سعد الدين شپون ، د سمځي ياران ، ۱۳۸۱ ش - ۲۰۰۲ م ، پېښور ، ۲۵۴ مخ

## **TA'LIM JARAYONIDA KREATIV YONDASHUV ASOSIDA TALABALAR KOMPETENSIALARINI RIVOJLANTIRISHNING**

**Ataqulova Manzura Nematovna**

pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent.,

**Murtazayeva Fazilat Bahodir qizi**

2-kurs magistranti

Navoiy davlat pedagogika universiteti

E-mail [manzuraataqulova98@gmail.com](mailto:manzuraataqulova98@gmail.com)

+ 998 88 321 22 04

### **ANNOTATSIYA**

*Mazkur maqolada pedagogika oliy ta'lim muassasalarida biologiya fanlarini o'qitishda talabalarning pedagogik kompetensiyalarini kreativ yondashuv asosida rivojlantirish innovatsion texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish orqali amalga oshirishning tahliliy bayoni, talabalar kreativ fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish, kasbiy kompetensiyalarini takomillashtirish, o'qitishda axborot kommunikatsion texnologiyalarni joriy qilish orqali nazariya va amaliyot uyg'unligini ta'minlash, faoliyat sohalari bo'yicha talabalarga innovatsion bilim berish, kasbiy ko'nikma va malakalarni doimiy takomillashtirib borishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini orttirishning ustuvor jihatlari ko'rsatib o'tilgan va asoslangan.*

**Kalit so'zlar:** *Kreativ, texnologiya, kompetensiya, axborot kommunikatsion texnologiyalar, ta'lim texnologiyalari, pedagog, kasb, faoliyat, qobiliyat, jamiyat, innovatsiya, shaxs, muhit, ilmiy-nazariy, kasbiy-metodik, pedagogik-psixologik.*

### **ABSTRACT**

*This article presents an analytical report on the implementation of the development of editorial competencies of students when teaching biological sciences in pedagogical universities on the basis of creative cooperation through the use of innovative technologies in the educational process, developing the development of creative thinking abilities of students, improving professional competencies, and using information and communication technologies in teaching. Priority aspects of increasing the effectiveness of the use of educational technologies in the process of ensuring the convergence of theory and practice, providing innovative knowledge are shown and based on students in various fields of activity, as well as constantly improving professional skills and qualifications.*

**Key words:** *Creativity, technology, content, information communication, technology, educational technology, teacher, profession, activity, ability, society,*

*innovation, person, environment, scientific-theoretical, professional-methodological, editorial-psychological.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье представлен аналитический отчет о реализации развития редакционных компетенций студентов при преподавании биологических наук в педагогических вузах на основе творческого сотрудничества путем применения инновационных технологий в образовательном процессе, развития способностей творческого мышления студентов, совершенствования профессиональных компетенций, использования информационно-коммуникационных технологий в обучении. Приоритетные аспекты повышения эффективности использования образовательных технологий в процессе обеспечения сближения теории и практики, предоставления инновационных знаний показаны и основаны студенты в различных сферах деятельности, а также постоянно совершенствующиеся профессиональные навыки и квалификация.*

**Ключевые слова:** *Креатив, технологии, контент, информационная коммуникация технологии, образовательные технологии, педагог, профессия, деятельность, способности, общество, инновация, человек, среда, научно-теоретическая, профессионально-методическая, редакционно-психологическая.*

### **KIRISH**

Yangicha ijtimoiy sharoitda oliy ta'lim muassasalaridagi ta'lim-tarbiya jarayonida ko'zda tutilgan maqsadga erishish, yetuk, yuqori kasbiy va pedagogik kompetentlikka ega mutaxassislarni tarbiyalash muammosi haqida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Yana bir muammoni hal etish o'ta muhim hisoblanadi: bu pedagog va professor-oqituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlarida faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur", degan fikrlari go'yat katta ahamiyatga ega bo'lib, o'z vaqtida bildirilgan[1].

Oliy ta'lim muassasalarining eng muhim vazifalaridan biri bu – bo'lajak mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligini mukammal darajada amalga oshirish va unga bog'liq holda o'ziga xos kompetensiyalarni shakllantirishdir. Shu o'rinda, kasbiy tayyorgarlik masalasi va unga kreativ yondashuvni amalga oshirish xususida fikrlarni tahlil qildik.



Mamlakatimizda bo‘lajak o‘qituvchilarning kreativ qobiliyati va pedagogik kompetensiyalarini rivojlantirish, pedagogik faoliyatga taktik va strategik jihatdan tayyorlash, affiliatsiya motivini talabalar ma’naviy qiyofasini shakllantiruvchi ijtimoiy-psixologik omil asosida ularning kasbiy faolligini oshirish ta’limning ustuvor yo‘nalishi sifatida e’tirof etilmoqda. Bu borada O‘zbekistan Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ham ta’kidlangan bo‘lib, unda “Uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlarni tayyorlash siyosatini davom ettirish” ustuvor vazifa sifatida belgilangan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review). Ta’limda kreativ yondashuv asosida talabalarni ijodiy faoliyat mexanizmlarini takomillashtirish, innovatsion ta’lim va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning imkoniyatlari hamda bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy, pedagogik kompetentlikni shakllantirishning ijtimoiy-pedagogik, integral-pedagogik jihatlari, uning shakllanganlik darajasini baholash masalalari bir qator pedagog olimlarning asarlarida keltirilgan, jumladan I.Ya.Lerner “Filosofiya didaktika I didaktika kak filosofi” asarida pedagogik texnologiya “o‘quvchilarning ishonchli, anglashilgan maqsadlarni va belgilanadigan harakatlarida ifodalangan ta’lim natijalari orqali shakllantirishni kuzda tutadi”gan jarayondir deb ta’kidlaydi[2].

V.P.Bespalkoning nazariga ko‘ra, “Pedagogik texnologiya – amaliyotda bajariladigan ma’lum pedagogik tizim loyihasi”dir. Shu jumladan, pedagogika retrospektivasi va uning keyingi rivojini uning texnologiyalari evolyusiyasi sifatida qarashga imkon beradi. Bu jarayonlar dinamikasini kuzatib, ta’kidlash mumkinki, aynan ta’lim vositalari va ular bilan bog‘liq metodikalarning rivojlanishi, ularning pedagogik tizimlardagi “vazni”ning davrdan davrga ortib borishi pedagogikani texnologiyalash jarayonini rag‘batlantirib kelgan. Boshqa sohalardagi texnologik bosim ostida pedagogik texnologiyalar ta’limning an’anaviy jarayoniga ta’sirning yangi imkoniyatlariga ega bo‘ladi va uning samaradorligini oshiradi [3]. N.F.Talizinaning “Formation of cognitive activity of junior schoolchildren” asarida har bir o‘qituvchi, real pedagogik jarayonni qurishdan oldin, o‘quv jarayoni haqida texnologik darajada taqdim qilingan bilimlar tizimiga ega bo‘lishi lozim[4]. Nemis olimi Hilbert Meyer, A.Klapper (Unterrichtsstandards für ein kompetenzorientiertes Lernen und Lehren. – Berlin, 2009)lar ta’lim oluvchi va o‘qituvchining kompetensiyalarini o‘zaro farqlaydi va bu atamani, ayniqsa, ta’lim oluvchiga yo‘naltirish lozimligini ta’kidlaydi.

Olib borilgan ilmiy izlanishlar, ilmiy-metodik adabiyotlar tahlili ta’lim jarayonida kreativlik va kompetentli yondashuv asosida kasbiy tayyorgarligini

rivojlantirishning turli aspektlari bo'yicha keng qamrovdagi ilmiy tadqiqotlar olib borilgan bo'lsa-da, kreativ yondashuv asosida bo'lajak biologiya o'qituvchilarining pedagogik kompetensiyalarini shakllantirish yuzasidan maxsus tadqiqot obyekti sifatida o'rganilmagan.

**Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).** Talabalarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda ularning kreativligi va pedagogik kompetentligini shakllantirish modulini tuzishda zamon talabidan kelib chiqib ta'lim jarayonining muayyan komponentlarini uzluksiz tashkil etish davomida ta'lim tamoyillari, ta'limga zamonaviy yondashuvlar, ta'lim shakllari, metodlari, vositalari va texnologiyalarini qo'llashga, shuningdek, zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalari vositalaridan foydalanish va innovatsion-axborot ta'lim muhitida tashkil topgan pedagogik jarayonga alohida e'tibor qaratildi. Pedagogik kompetensiyalar tarkibida asosiy o'rinda turadigan metodik kompetentlik o'qituvchining professional-kasbiy tayyorgarligida yuqori natija va ko'rsatkichga ega bo'lishida muhim ahamiyatga ega.

Metodik kompetentlikni asosiy belgilari pedagogik muammolarni yechimini topishga mos keladigan o'qitish metodlarini tanlash, qo'llash va qayta ishlash ko'nikmasiga ega bo'lishidir. Ma'lumki, ta'lim muassasidagi o'tilgan o'quv mashg'ulotining sifati va samaradorligi o'qituvchining ilmiy-nazariy tayyorgarligi bilan bir qatorda, u tomonidan mavzu va o'qitish shakliga mos metod va vositalarni tanlay olish, o'quv mashg'ulotini tashkil etish, boshqarish, nazorat qilish, o'z faoliyatini tahlil qilish va qayta o'zgartirishlar kiritish, innovatsiyalar kiritish tajriba va mahoratiga bog'liq.

Biologiyani fanini o'qitish jarayoniga kreativ yondashuv asosida o'quv mashg'ulotlarni sifatli tashkil etish texnikasini ta'minlash maqsadida biz faol va interfaol o'qitish metodlari, ta'limning innovatsion texnologiyalari hamda o'qitish vositalarining uyg'unligini ta'minlagan holda foydalandik. Natijada talabalarining kasbiy-pedagogik kompetensiyalarini shakllantirishda biz tomonimizdan ishlab chiqilgan tashkiliy-metodik xususiyatlarni samarali ekanligi aniqlandi. Bunda o'qituvchi hamda talabaning o'zaro muloqotga kirishish jarayoni amalga oshirilganda talaba ta'lim jarayonining subyektiga aylanadi va pedagogik o'zaro munosabatlarni xususiyatlari o'zgaradi.

Hozirgi kunda biologiya ta'limida an'anaviy ta'lim metodlari bilan bir qatorda noan'anaviy ta'lim metodlaridan foydalanilmoqda. Tahlillarimizga ko'ra bugungi kunda eng ko'p qo'llanilayotgan o'qitishning interaktiv metodlarini tasnifini taqdim etdik hamda bu metodlardan kreativ ta'limni tashkil etishda foydalaniladigan turlarini qo'llash yo'llarini tavsiya qildik[6]. O'qituvchi dars davomida foydalaniladigan

metodlarni tanlar ekan, albatta, talabalardagi motivatsiya darajasiga e'tibor berish kerak. Buning uchun avvalo, talabalarni barcha fanlarga, xususan, biologiya fanini o'rganishga bo'lgan motivatsiyasini hosil qilinsa, ularning o'qib-bilish faoliyati faollashadi. Quyida o'quv jarayonida talabalarni kreativ yondashuv asosida pedagogik kompetensiyalarini shakillantirish va uni rivojlantirish maqsadida o'qitish shakllari tavsiya etiladi: "O'ylab ko'rish" metodi muayyan aqliy faoliyat natijasida talabalarning avval ma'lum bo'lmagan material, obyekt, hodisani namoyon bo'lishida ko'rinadi. Ushbu metod quyidagi usullar yordamida tadbqiq qilinadi va o'qituvchilardan unga mos savol va topshriqlar tayyorlash talab qilinadi: Jumladan, bir obyektning sifatlarini ikkinchisiga qo'shish orqali yangi obyekt yaratish; bu usulni bajarishda talabdan masalaga integratsion yondashuv talab etiladi. Masalan, "Tasavvur qiling, mamlakatimiz cho'llarida o'sadigan "Cho'l malikasi"-saksovulning barglari tangachasimon emas, terak yaprog'idek bo'lsa" u cho'lda o'sa olarmidi?" yoki "Kaktusning tanasi o'zida ko'p suv saqlash xususiyatiga ega bo'lib, uning yaproqlari tikonga aylangan. Uning poyasi kuchli yo'g'ochlangan bo'lsa unda qanday moslashish yuzaga kelishi mumkin?". Bu savollar yechimini topishda talabalar o'simliklar anatomiyasi, morfologiyasi, fiziologiyasiga doir bilimlarini ekologik bilimlarga bog'lagan holda yechimini topishi lozim.

Yuqoridagi yondashuvlarni qiyosiy tahlili shuni ko'rsatadiki, ta'limga tadqiqiy-qiyosiy yondashuv talabalarni mustaqil fikrga ega, mavjud muammolarga tadqiqiy va ijodiy yondoshgan holda mustaqil yechimiga topa oladigan, baholay oladigan va mustaqil qaror qabul qila oladigan darajada bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarga egallashlariga imkon yaratadi.

Biologiya ta'lim jarayoniga nisbatan kreativ yondashuv asosida ta'lim olish, fan asoslarini o'zlashtirishga nisbatan qiziqishi susaygan talabalar bilan ishlash maqsadida emas, balki barcha tahsil oluvchilar bilan jonli, qiziqarli, jo'shqin muloqotga kirishish, ularni faollikka undash uchun qo'llaniladi. Buning uchun barcha turdagi o'quv (auditoriya mashg'ulotlari, auditoriyadan tashqari mashg'ulotlar) mashg'ulotlarni barcha ta'lim yo'nalishlarida, xususan, biologiya o'qitish metodikasi, biologiya, biologiya va qo'shimcha tabiiy fanlar yo'nalishlarida shu bilan birga barcha istalgan soha (pedagogika, psixologiya, qurilish, sanoat, iqtisodiyot, muxandislik, tibbiyot va h.k ) bo'yicha ta'lim olayotgan barcha talabalar bilan ishlash jarayonida tashkil etish, ularning kasbiy faoliyatlarini mutaxassislik bo'yicha tayyorgarligini samarali tashkil etish mumkin[7].

Demak, "Ta'lim jarayoniga nisbatan kreativ yondoshishda nafaqat o'quv fanlarini o'zlashtirishda yuqori natijalarga erishayotgan, kreativ fikrlashda ijobiy holatlarni qayd etayotgan talabalarga, balki ko'proq e'tiborni talab etadigan, ijodiy,

kreativ fikrlash layoqatiga ega bo'lmagan ta'lim oluvchilarga ham birdek e'tibor qaratishlari zarur" ekanligini hisobga olgan holda oliy ta'lim muassasalarida bo'lg'usi pedagogik kasb egalarinini tayyorlashga kreativ yondashuv zarur[8].

### **Tahlil va natijalar (Analysis and results).**

Biologiya o'qituvchilarning ta'lim samaradorligini tahlil qilish va baholash usullari ularning kreativ faoliyatini nazorat qilish metodi hisoblanadi. O'qituvchining kreativ qobiliyati, shuningdek, pedagogning maqsadli ta'limiy ko'rsatmalari bunday tahlil elementlarini aniqlashga yordam beradi. Masalan, o'qituvchilar ijodkorligini rivojlantirish zarurati ular ishining tahlil etishning quyidagi yo'nalishlarini yaratishga olib keladi: ijod sohasi, ijod darajasi, mustaqillik darajasi, boshqa o'quvchilarning ishlaridan farqlanish darajasi, o'zining oldingi ishlaridan farqlanish darajasi va boshqalar.

Talabalarinig ta'lim samaradorligining oshirish har bir elementini son yoki sifat jihatdan, ball bilan yoki og'zaki baholanishi mumkin. Ta'limiy taqriz, tavsif og'zaki shaklga qarab chiqiladi. Besh, o'n, yuz balli shkalalar talabalar ijodiy natijalarini son jihatdan baholash imkonini beradi.

Bo'lajak biologiya o'qituvchilarinig kasbiy faloliyati bilim sifati turli usul va mezonlar bilan baholanadi, ular quyidagicha bo'ladi: anketa so'rovidagi elementlarining soni bo'yicha; anketa so'rovidagi elementlarining farqi bo'yicha; anketa so'rovidagi talabaning o'zi yoki kursdoshining ishiga nisbatan yangiligi bo'yicha; yaratilgan metodikaning tushunarli aniq va ixchamligi bo'yicha; javob uchun foydalanilgan imkoniyatlarning ko'p qirraligi bo'yicha; olingan natijalarning amaliy ahamiyati foydalanishi bo'yicha.

Talabalarining kasbiy-pedagogik sifatlarining rivojlanish darajasi ular diagnostikasining dastlabki va oxiridagi natijalarini taqqoslash asosida aniqlandi. Kuzatish, testlar, talabalar bilimi mahsuldorligini tahlil etish metodikasi yordamida uch turkumda ijodkorlik sifati, bilishga doir va faoliyatni tashkil etishi kabi guruhlashtirilgan sifatlarining rivojlanish darajasini belgilaydi. Har bir talabaning kasbiy-pedagogik sifatlarini rivojlantirish darajasini baholash uchun quyidagilardan foydalaniladi: a) yosh o'qituvchiga yozma ta'limiy tavsifnoma; b) uning ta'limda erishgan natijalari; v) ijodkorlikda kuzatiladigan pedagogik konsiliumlar, testlar va boshqa materiallar natijalari; g) fikrlarni ifodalovchi anketa va o'qituvchilarning o'z-o'zini baholashi.

### **Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).**

Tadqiqot muammosiga oid metodik adabiyotlar, o'quv me'yoriy hujjatlarni tahlil qilish natijasida "kompetensiya", "kompetentlik", "kasbiy kompetentlik", "pedagogik kompetensiya" tushunchalari bayon etildi, kompetensiyaviy yondashuv



mamlakatimiz ta'lim tizimi sifatini oshirish imkonini berishi didaktik ta'minotni takomillashtirish zarurati mavjudligi aniqlandi, hamda biologiya o'qituvchilarining pedagogik kompetentligini shakllantirish jarayonida nazariy va amaliyotning uyg'unligi ta'minlash, ularga mos ravishda o'qitish shakllari, metodlari va vositalarini maqsadga muvofiq holda tanlash, innovatsion faoliyatni to'g'ri tashkil etish, axborot kommunikatsion texnologiyalardan samarali foydalanish maqsadga muvofiq ekanligi aniqlandi. Innovatsion ta'lim muhitida bo'lajak biolog mutaxassislarni motivatsion-maqsadga yo'naltirilgan, tuzilmali-mazmunli, funksional-faoliyatli, baholi-natijaviy komponentlar asosida ta'lim jarayoniga kreativ, kompetensiyaviy, innovatsion, integrativ, aksiologik yondashuvlarni amalga oshirish, pedagogik shart-sharoitlar, baholash mezonlari va darajalari aniqlangan hamda pedagogik introspeksiya, improvizatsiya, fasilitatsiyani rivojlantirish asosida pedagogik kompetensiyalarni shakllantirish ilmiy jihatdan isbotlandi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son Farmoni// O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - T., 2017. 6-son.
2. Лернер И.Я. Философия дидактики и дидактика как философия. – М., 1995. – 49 с.
3. Беспалко В.П. Образование и обучение с участием компьютеров: педагогика третьего поколения. – М.: Изд-во Моск. психолого-социального ин-та; Воронеж: Модек, 2002, 352 с.
4. Talizina N.F. Formation of cognitive activity of junior schoolchildren. Book. for the teacher. - M.: Education, 1988.- 175 p.
5. Усмонбоева М., Тўраев А. Креатив педагогика асослари. ўқув – услубий мажмуа. - Т.: ТДПУ, 2016. - 193-бет.
6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма – Тошкент: 2015 й.– 208 б.
7. Куучиёева М.А. Бо'lajak biologiya fani o'qituvchilarining kasbiy-metodik kompetentligini rivojlantirish: Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori(PhD)diss.-Nukus 2023.-119 b.
8. Болотов В.А., Сериков В.В. Компетентностная модель: От идеи к образовательной программой. Педагогика. 2003. № 3. 203-с
9. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма.– Т.:«Фан ва технология», 2007. -541 б.

10. Эргашева Г.С. Биология таълимида интерактив дастурий воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш. Монография. – Т., Фан ва технологиялар, 2017. – 220 б.
11. Nematovna A. M. Pedagogy the Effectiveness of the Use of Design Technology in the Development of Research Activities of Students in the Process of Biology Education in Higher Education Institutions //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Т. 12. – №. 3.
12. Sayfullayev, A. F. O. (2023). SHAHARLARNI KO'KALAMZORLASHTIRISHDA KATALPA DARAXTINING AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(4-2), 77-82.
13. Nematovna, Atakulova Manzura. "EFFECTIVENESS OF STUDENTS IN RESEARCH ACTIVITIES IN TEACHING BIOLOGY." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* 9.4 (2021).
14. Sayfullayev, A. (2020). MICROALGAE AND CYAN BACTERIA AS BIO FERTILIZERS. *SCIENCE, RESEARCH, DEVELOPMENT*# 26.
15. Nematovna, A. M., & Baxodirovna, M. F. (2023). THE EFFECTIVENESS OF DEVELOPING STUDENTS'CREATIVE THINKING IN TEACHING BIOLOGICAL SCIENCES. *International Journal of Advance Scientific Research*, 3(09), 170-174.

## **YAPON VA O'ZBEK XALQ MAQOLLARIDA YAXSHILIK VA YOMONLIK TUSHUNCHASI: ZONIM KOMPONENTLI FRAZEOLOGIK BIRLIKLARI ASOSIDA**

**Miraximova Malika Inomjon qizi**

O'zbekiston Davlat Jahon tillari universiteti

Lingvistika(yapon tili) mutaxassisligi magistranti

### **ANNOTATSIYA**

*Mazkur tadqiqot ishida yapon va o'zbek xalq maqollaridagi inson tashqi ko'rinishidan tortib ichki dunyosigacha yaxshi yoki yomon obrazda tasvirlab beruvchi zoonimlarning xususiyatlari o'rganildi. Ikki tildagi maqollardan zoonim komponentlilarini topib ular ishora qilayotgan ma'noga qarab pozitiv va negativ ma'nolilari ajratib olindi. Yapon tilidagi maqolning o'zbek tilidagi analogi mavjud bo'lsa, keltirilib, bo'lmasa to'g'ridan to'g'ri mazmuni yozildi. O'zbek xalq maqollari ham shu tarzda ajratib olindi. Keltirilgan maqollar birma-bir ko'rib chiqildi va tahlil qilindi. Ikki davlat xalq og'zaki ijodi bo'lmish maqollarda ma'lum zoonim qanday tasavvur uyg'otishi o'rganildi. Lingvomadaniyat prizmasi orqali obyektlarni turli xilda ifodalash, insonlarni hayvonlar bilan taqqoslagan holda ularga ta'rif berish o'rganildi. Shu yo'l bilan ikki xalqning mentaliteti, umuman olganda butun madaniyat haqida tushuncha hosil qilindi.*

**Kalit so'zlar :** yapon tili, maqol, zoonim, yaxshilik, yomonlik.

### **ABSTRACT**

*This study examines the characteristics of zoonyms describing a person in a good or bad sense, from appearance to inner world, in Japanese and Uzbek folk proverbs. After identifying the components of zoonyms in proverbs of the two languages, positive and negative meanings were identified depending on the meaning they relate to. If there is an analogue of a Japanese proverb in the Uzbek language, it is quoted, if not, the direct meaning is written. Uzbek folk proverbs were extracted in the same way. The cited proverbs were reviewed and analyzed. It was studied how this or that zoonym evokes associations in proverbs, which are folk works of the two countries. Through the prism of language and culture, the principles of expression of proverbs were studied comparing people with animals. Thus, an understanding of the mentality of the two peoples, and the entire culture as a whole, was formed.*

**Keywords:** Japanese language, proverb, zoonym, good, evil.

### **АННОТАЦИЯ**

*В данном исследовании изучены характеристики зоонимов, описывающих человека в хорошем или плохом смысле, от внешнего облика до внутреннего мира, в японских и узбекских народных пословицах. После обнаружения*

компонентов зоонимов в пословицах двух языков были выделены положительные и отрицательные значения в зависимости от значения, к которому они относятся. Если есть аналог японской пословицы на узбекском языке, он цитируется, если нет, пишется прямой смысл. Таким же способом были извлечены и узбекские народные пословицы. Приведенные пословицы были рассмотрены и проанализированы. Изучено, как тот или иной зооним вызывает ассоциации в пословицах, являющихся народными произведениями двух стран. Через призму языка и культуры были изучены принципы выражения пословиц сравнивая людей с животными. Таким образом формировалось понимание менталитета двух народов, да и всей культуры в целом.

**Ключевые слова:** японский язык, пословица, зооним, добро, зло.

## **KIRISH**

Dunyoning barcha tillarida maqollar inson hayotida muhim o'rin tutadi. Maqollar inson nutqiga joziba qo'shib, o'zida asrlardan buyon bizga yetib kelgan hikmatli so'zlarni jamlaydi. Biz o'zbeklar nutqimizda deyarli har kuni maqollarni qo'llaymiz. Yapon tilini o'rganuvchilar ham tabiiyki, yapon tilida ham maqol ishlatib nutq so'zlashni xohlaydi. Biroq o'zbek va yapon tillari maqollariga oid solishtirma adabiyotlar deyarli mavjud bo'lmaganligi bois o'quvchilar ko'p vaqt sarflaydi, maqollar tez unutiladi. Mazkur maqola shunday o'quvchilarga samaradorlikni oshirib, dars jarayonini qiziqarli qila oladigan adabiyot yaratilishiga asos bo'lishi uchun harakat qilinadi.

## **MAVZU YUZASIDAN ADABIYOTLAR TAHLILI .**

### **•Yapon tilidagi zoonim komponentli maqollar**

Yaponlar maqol deb atalmish madaniy boylikka qadimdan hurmat va e'tibor bilan qaraydilar. Chunki maqol va matallar xalqning nozik falsafasi, milliy o'ziga xoslikni aks ettiradi.

Yaponiyada kundalik hayotda eng ko'p ishlatiladigan maqollar to'plamidan tortib, uzoq o'tmishda paydo bo'lib hozirda deyarli quloqqa chalinmaydigan maqollar yig'ilgan qalin kitoblarga uchratish mumkin.

Yapon madaniyatshunosi Isamu Kurita 栗田勇 yapon xalqining tabiatga bo'lgan "muqaddas xarakterli" munosabatiga ishora qilar ekan : " bizning davrda tabiat undan foyda olish maqsadi yoki ilmiy o'rganilish obyekti doirasida baholanadi. Biroq Yaponiyada tabiatga bo'lgan munosabat chuqurroq, muqaddas xarakterga ega. Bu munosabatni qadimgi yunonlarning tabiatni jon beruvchi, yaratuvchi sifatida



e'zozlaganlari bilan taqqoslash mumkin. Yapon yozuvchisi Matsuo Basho (1664-1694) ham tabiatni 造化 *zo:ka* ya'ni "yaratish" deb atagan".<sup>26</sup>

Yaponlarning barcha tirik mavjudodlarga bo'lgan nozik e'tibor va hurmat bilan qarashiga XIV asr oxirigacha davlat ideologiyasi bo'lgan buddizm ta'sir qilgan. U deyarli barcha sohalarga kirib borgan. Buddizmning diniy-axloqiy qadriyatlari har bir zamonaviy yapon odamlari dunyosini belgilab berdi, atrofdagi voqelikka bo'lgan munosabatiga katta ta'sir ko'rsatdi, hayotning ma'nosi va umuman dunyo tartibi to'g'risidagi qadriyatlarni baholash mezonlarini shakllantirdi.<sup>27</sup>

Quyida zoonim komponentli yapon maqollari keltirilgan:

1. 猫をかぶる *neko o kaburu* O'zini qo'zichoq qilib ko'rsatish
2. 鳴く猫は鼠を取らぬ *Nakunekowa nezumiwo toranu* Baqiroq sigir sutsiz bo'lar
3. 犬の遠吠え *inuno tooboe* It xurar karvon o'tar
4. 飼い犬に手を噛まれる *kaiinuni teo kamareru* It ham o'z egasini qopadi
5. 犬も歩けば棒に当たる *inumo arukeba bouni ataru* Sayoq yursang tayoq yeysan
6. 馬に乗るとも口車に乗るな *Umani norutomo kuchigurumani noruna* Nonni katta tishlasang ham gapni katta gapirma
7. 魚心あれば水心 *Ougokoro areba mizugokoro* Yaxshi gap bilan ilon inidan chiqar
8. 蛇は竹の筒に入れても真っすぐにならぬ *Hebiwa takeno tsutsuni iretemo massuguni naranu* Bukrini go'r to'g'irlyaydi
9. 猿の尻笑い *Saruno shiriwarai* Yirtiq yamoqqa kulibti
10. 利口の猿が手を焼く *Rikouno saruga tewo yaku* Baq-baq etgan takani yomg'ir yoqqanda ko'r

Yaponiya uchun eng muhim ramzlardan biri bu – toshbaqa 亀 *kame* . Yapon toshbaqasi ikkita ajoyib xususiyatga ega. Birinchidan, toshbaqa juda uzoq vaqt yashaydi va shuning uchun uzoq umr va baxt va donolik ramzi hisoblanadi. Ikkinchidan, Xitoy afsonasiga ko'ra, qadim zamonlarda Luo daryosidan suzib chiqqan toshbaqaning yuzasida paydo bo'lgan belgilar birinchi ierogliflar uchun prototip bo'lib xizmat qilgan. Shuning uchun donolik ramzi hisoblanadi [Мещеряков, 2008,

<sup>26</sup> Isamu Kurita 栗田勇, 1987, 31

<sup>27</sup> Изотова, Свообразие концепта «счастье»..., 2012

138]. Turna 鶴 *tsuru* ham uzoq va baxtli hayotning ramzidir. Afsonalarga ko'ra, turna ming yilgacha, toshbaqa esa o'n ming yilgacha yashaydi. [日本絵とき事典, 1984, 63].

Yaponlar qadimdan 狸 tanukini hurmat qilishadi. Tanuki bu yenot-it. Tanuki ochko'zlik va ichkilikbozlik xudosi hisoblanadi. U mazali ovqatlanishni va yaxshi ichishni yaxshi ko'radi, lekin ko'pincha hisob-kitoblarni to'lamaydi, shuning uchun u ba'zan bir qo'lida sake shishasi, ikkinchi qo'lida to'lanmagan hisob qog'ozi bilan tasvirlangan. Yaponlar tanuki singari 猫 *neko* mushuklar ham odamlarga aylanishi mumkinligiga ishonishadi. Odatda ular odamlarga yordam beradigan mehribon mavjudotlar sifatida tanilgan. Ko'pincha sehrlil afsona va rivoyatlarda qahramonlarning sehrlil yordamchilari sifatida tasvirlanadi. Inson qiyofasida ular g'ayritabiiy moslashuvchanlik, chaqqonlik va ayyorlikni namoyish etadilar.<sup>28</sup>

Yuqoridagi 1va 2 – misollarda mushuk yalqov va ayyor hayvon sifatida keltirilgan. It o'zbeklardagi singari vafodorlikni anglatsada, 3,4,5- maqollarda daydi, bevafo sifatida berilgan. 9,10- maqollardagi maymun manman va mahmadona qilib tasvirlangan. Mazkur maqollardagi zoonimlar asosan negativ ma'nolarda kelgan.

#### •O'zbek tilidagi zoonim komponentli maqollar

O'zbek xalq maqollari o'zbek xalqi donishmandligining hosilasi hisoblanadi. O'zbek maqollari tasnifi masalasi bugungi kunda o'z yechimini kutayotgan mavzu hisoblanadi. O'zbek tilida ba'zi maqollar alifbo tartibida beriladi. Boshqa to'plamlarda, asosan, maqollarning predmetli-mavzuli tasnifidan foydalaniladi.

1. Zag'izg'on sog'ligidan o'lmas, suqligidan o'lar.
2. Ot — yigitning yo'ldoshi.
3. Toy otga yetkazar,  
Ot — murodga.
4. Toyni toy deb xo'rlama,  
Erta-indin ot bo'lar.
5. Tog' bo'risiz bo'lmas,  
To'qay arslonsiz bo'lmas.
6. Tuya silkinsa, eshakka yuk chiqar.
7. El tinsa ham, it tinmas.
8. Echki qo'y bo'lmas,

<sup>28</sup> Гуревич Т.М., Изотова Н.Н. Специфика зоологического кода японской культуры // Культура и цивилизация. 2018.

Eshak — toy.

9. Eshak minganning oyog'i tinmas.

10. Zamoning tulki bo'lsa, sen tozi bo'l.

D.Tosheva o'zining tadqiqotida o'zbek tilidagi frazemalarda eng faol qo'llanuvchi zoonimlar sirasiga it, ilon, ot, eshak, qush, quyon, tuya kabi jonivorlarni kiritish mumkinligini bayon etadi. Ularning turli xususiyatlari va insonga xos bo'lgan xususiyatlar, harakatlar bilan o'rtasida o'xshashlik kuzatiladi. Shu bois ular bilan chog'ishtirish, ularga o'xshatish imkoniyati paydo bo'ladi. Lingvokulturologiyada zoomorf kod orqali insonning deyarli barcha xususiyatlari aks ettirilishi mumkin: jasurlik – burgutdek, qarchig'aydek; baquvvatlik - ayiqdek, arslondek, yo'lbarsdek, norday, fildek, sherdek; mashaqqatli mehnat qilish - itdek, eshakdek, molday, chumolidek; avramoq – o'rgimchakdek, ilondek kabilar shular jumlasidandir.<sup>29</sup>

Buni 2,3,4- misollarda ko'rish mumkin. It hayvoni o'zbek xalqida vafodor, mehnatkash sifatida tasniflanadi. 8- maqolda eshak hatto toy bo'la olmasligi, noshud va dangasaligi, 9-maqolda esa o'jarligidan uni minggan odamning oyog'i tinmasligi aytilgan. Bulardan tashqari o'zbek xalq maqollarida tuya, bo'ri, echki, qo'y, sigir, mushuk, zag'izg'on, chumchuq kabi hayvon va qushlar ko'p uchraydi.

### **METODOLOGIYA**

Mavzuni tadqiq etishda mavzu yuzasidan tegishli barcha elektron yozma shakldagi manbalar tahlil qilindi.

### **XULOSA**

Yapon xalq maqollarning ko'pchilik qismida hayvon obrazlari ifodalangan bo'lib, ularning asosiy funksiyasi inson xarakterini ifodalashdir. Ularda mushuk, it, ot, baliq, maymun, ilon kabi Yaponiya tabiatida ko'p uchraydigan hayvonlar ishtirok etadi. O'zbek xalq maqollarida bor bo'lgan tuya obrazi mutlaqo qatnashmagan. Yana bir farqli tomoni shundaki, ikkala mamlakatda mavjud bo'lgan mushuk, yapon xalq maqollarida juda ko'p, o'zbek maqollarda esa sanoqlidir. O'zbek xalq maqollarida o'zbeklarning turmush tarzidan kelib chiqib maqollarda asosan chorva mollari, ot, qo'y, eshak kabi hayvonlar obrazidan foydalanilgan.

Ahamiyatlisi shundaki, hayvon obrazlari keltirilgan maqollarning yaponcha muqobil variantlarida aynan bir xil hayvonning nomi ishlatilmasligi yoki umuman hayvon nomi qatnashmasligi maqolning har ikki tildagi umumiy ma'nosiga ta'sir ko'rsatmaydi.

### **REFERENCE**

1. Salomov G'. Maqolalar va idiomalar tarjimasini. - T.: Fan, 1961. - 162 b.

<sup>29</sup> Maxamatova Maxliyo. O'zbek xalq maqollarida zoomorf kodlarning ifodalanishi. 2022. 268-269.

2. Karamatova K.M., Karamatov H.S. Proverbs–Maqollar– Пословицы. – Т.: Mehnat, 2000.
3. Samadov Q. Maqollarimiz mohiyatiga doir.Т.: O‘zbekiston Madaniyati. –1965. -213 b.
4. Beruniy A. R. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar // Tanlangan asarlar.Т.
5. Begmatov E. Antroponimlar –antroposentrik tadqiq obykti. “O‘zbek tili va adabiyoti” jurnali, 2013/3.



## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯШОВЧИ ТУРКМАНЛАР СЎЗЛАШУВ НУТҚИДА ҚАРИНДОШЛИК АТАМАЛАРИ**

**Куртчаев Алтыбай**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Туркман тили ва адабиёти кафедраси ассистенти

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Қорақалпоғистон минтақасида истиқомат қиладиган туркманларнинг умумий сўзлашув услуби таҳлилга тортилади. Унда қариндошлик лексикаси ўзига хослиги, истеъмол доираси ҳақида сўз юритилади.*

**Калит сўзлар:** қариндошлик, огулжака, гыз, эже, огул, дэде, эне, ана.

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье анализируется общий стиль речи туркмен, проживающих в Каракалпакстане. Это говорит об уникальности родственной лексики, сфере потребления.*

**Ключевые слова:** родство, огуляка, девушка, бабушка, сон, папа, бабуля.

### **ABSTRACT**

*The article analyzes the general speech style of Turkmen living in the Karakalpakstan region. It talks about the uniqueness of the kinship lexicon, the scope of consumption.*

**Key words:** kinship, oguljaka, girl, grandmother, son, father, granny.

### **КИРИШ**

Қариндошлик атамалар бутун инсоният жамиятининг асрлар давомида ривожланишининг турли босқичларида пайдо бўлган ва кенг тарқалган. Уларнинг асосий гуруҳининг пайдо бўлиши туркий тилларнинг ҳали турли туркумларга бўлинмаган вақтига тегишли бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатни ҳозирги вақтда самарали қўлланиб келаётган кўп сонли қариндошлик атамаларнинг ўзи тўлиқ тасдиқлайди. Атамаларнинг айримлари узок давр давомида шакли ва мазмуни жиҳатдан ҳар хил бўлиб ўзгарган. Уларнинг баъзилари қариндошликни англатиши жиҳатдан кўп маъноли бўлса, баъзиларида эса бу ҳолат сақланмаган. Бир тилнинг луғат таркибида эски лексик элементларни кўпроқ сақлаб қолган қариндошлик атамаларни учратиш мумкин. Қариндошлик атамалар, асосан, инсонга ҳаётий қўйиладиган индивидуал хусусиятга эга шахсий исмлар каби эмас, улар ҳаёти давомида инсонга ҳомийлик муносабати бўйича бериладиган умумий хусусиятдаги от сўзлар бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам бу сўзлар ҳаёт босқичлари бўйича

авлодма-авлод (огулжака>ата//баба, гыз>эже>эне//мама, ул>эке>ата//буўа, гыз>ана>кемпир ана) такрорланиб туради. Бу жараённинг такрорланиб туриши негизи бир уруғга қарашли бўлган ички ва ташқи, уруғ, қавм ва ҳ. яқин ва узоқ қариндошликнинг пайдо бўлиб, ривожланишига олиб келган. Кундаликли турмушда бу соҳага оид қўлланиладиган сўзлар ўзига хос кенг тушунча, яъни ҳақиқий қариндошликни ва ҳурмат маъносини англатади. Сабаби, ота, ўғил, қиз, ака-ука ва ҳ. тушунчаларгина фақат ҳурмат учун қўйиладиган исмлар эмас, улар тўлиқ, аниқ ва жудаям масъулиятни кўрсатади. Туркман ва қорақалпоқ тилларида қариндошлик атамаларнинг айримлари умумий хусусиятда бўлса, айримлари маъноси жихатдан ўзгармаган. Буни биз қуйидаги қариндошлик атамаларнинг ҳар бирига солиштириб ўтамыз.

*Огул//ул (<огур//ур)* - ўғил болани ва насл давомийлигида иккинчи авлодни билдиради. *Огул* сўзининг келиб чиқишини Э.В.Севортян турк тилининг диалектларидаги *тохум (дакыл)* маъносида қўлланиладиган *огур* сўзидан чиққан деган фикрни билдиради.<sup>30</sup>

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида бу сўз *огул бала* шаклида, иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг сўзлашув нутқида эса *ул бала, ер бала* кўринишида қўлланилади. Масалан: *Огул бала диениц гиден ериннен иш битирмән гелмейе. Ул бала болгансоң, бираз еркелеттик.* (Т.Аққ) *Гыз//кыз*-турмушга чиқмаган аёл киши. У ҳам *огул//ул* атамаси каби насл давомийлигида иккинчи авлод бўлиб ҳисобланади. Масалан: *Гыйз оглон болонсоң бираз уялжаңда. Кыз балага ярашмайдыган иш этмән, қызлар.* (Т.М.ш-х)

Қариндошликнинг биринчи босқичига тегишли бўлган сўз биринчи гуруҳдаги туркманларнинг сўзлашув нутқида *дәде* кўринишида қўлланилса, иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг сўзлашув нутқида эса *эке, ага* сўзлари кўпроқ қўлланилади. Масалан: *Бүгүн базарда Мырадың дәдесини гөрдүм.* (Ш.Мақ)

“Дәде” сўзи Ставрополь туркманларининг сўзлашув нутқида *деде* кўринишида қўлланилади. Аслида, ўғузларга хос бўлган бу атама XI аср ёзма манбаларида<sup>31</sup>, уйғур (*дада, тата*)<sup>32</sup> ва ўзбек тилларида ҳам (*дада*)<sup>33</sup> учрайди. *Эне//ана* сўзи Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида “отасининг онасини” англатиб келса, иккинчи ва учинчи

<sup>30</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. - Москва: «Наука», 1974. - Б.416.

<sup>31</sup> ҚошғарийМ. Девони луғот-ит тюрк. -Тошкент: «Фан». 1965. -Б.239.

<sup>32</sup> Русско-уйгурский словарь. - Москва: «Наука», 1955. - Б.387.

<sup>33</sup> Узбекско-русский словарь. - Москва: «Наука», 1959. —Б. 117.

гуруҳдаги туркманларнинг сўзлашув нутқида эса “ўз онаси” тушунилади. Кўпчилик туркий тилларда бу терминнинг *ана* варианты қўлланилади.<sup>34</sup>

*Ана*- қарлуқлар ва туркманларда “эже” маъносида қўлланилган<sup>35</sup>. Бу сўз Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида қўлланилмайди. Иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг сўзлашув нутқида эса айрим ҳолатларда “эже” маъносида, шунингдек *ажана* сўзининг таркибида қўлланилади. *Ага* сўзи таҳлил қилинаётган ҳудуддаги туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида ўзидан катта эркак кишини билдирса, айниқса, учинчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *эке* (*отец*) маъносида қўлланилади. Ўзидан катта эркак киши қариндошликни англатишда биринчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида ўша одамнинг исми кетига *дәде* сўзини қўшиб ҳам қўлланилади. Бу атаманинг негизи *дай ата* (*кәтте ата*) сўзидан пайдо бўлиб, унинг таркибидаги й товушининг тушиб қолиши билан (*дай ата > даата > дада//дәде*) ҳозирги ҳолатига келган. Бу ҳолат она томонидан бўлган қариндошликни англатадиган *тага* (*тай ага*), *дайза* (*дай эзе*) сўзларининг ҳам шу атама билан тилларидаги *домулла//дамылла* сўзи *даие* ва *мулла* компонентларнинг қўшилиб қўлланишидан келиб чиққан сўз бўлиб ҳисобланади.<sup>36</sup>

*Гардаъш-бу* атама биринчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *агайын-гарындаш* сўзларининг таркибида қўлланилиб, умумий туғишган маъносини англатади, бошқа ҳолатларда қўлланилмайди. Иккинчи айниқса, учинчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *қурдас* тарзида ўзидан кичик аёл кишини, шунингдек аёл-қизларга ҳурматни билдиришда фаол қўлланилади.

Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳи сўзлашув нутқида ўзидан катта аёл кишини англатишда *эжеке* сўзи ҳам қўлланилади. *Эжеке* атамаси шу маъносида туркман адабий тилида, унинг теке, явмут диалектларида қўлланилади. *Эжеке* сўзининг таркибидаги *эке* сўзи катта қариндош аёлни, шунингдек катта ёшдаги аёлларга ҳурматни билдиришда биринчи гуруҳдаги ёши катта инсонларнинг сўзлашув нутқида ҳам учрайди. Бу атаманинг аёл туғишган маъносидаги қўлланилиши туркман тилининг эрсары - (Қўнғирот туманда яшайдиган туркманлар), ата, емрели (Тўрткул тумани) диалектларида ҳам учрайди. Унинг нофаол даражада чуваш (*акка*), тунғус (*эке*) тилларида ҳам учрашишини тюркологлар айтиб ўтган.<sup>37</sup> *Ини*-атамаси эски ёзма

<sup>34</sup> Покровская Л. А. Термини родства в тюркских языках. // Историческая развитие лексики тюркских языков. -Москва: АН СССР, 1961. -Б.22.

<sup>35</sup> ҚошғарийМ. Девону луғат-ит түрк. - Топсент: «Фан», 1963. —Б. 113.

<sup>36</sup> Исмоилов И. Турки тиллардаги тай ва дайи терминлери хақида.- // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент: «Уқитувчи», -1973. -№ 4. Б. 77-79.

<sup>37</sup> Севортян Э.В. Совда. -Б. 224.

ёдгорликларида, шунингдек қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, нўғай, якут ва ҳ. бир қатор туркий тилларда учрайди.

Л.А.Покровская бу атаманинг, айниқса, қипчоқ тилларига ва туркман тилига хос эканлигини айтиб ўтади.<sup>38</sup>

*Эр//ер* атамаси Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида *эр//ер* варианты билан бирга, *адамсы*, *дәдеси*, учинчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *байы*, *киеўиси* ва ҳ. сўзлари кенг қўлланилади.

*Гиев//киеў* – аёл кишининг эри. Туркий тилларнинг барчасида қўлланиладиган бу атама Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида *гиеви*, иккинчи ва учинчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *киеў бала* шаклида қўлланилади. *Гелин//келин* ўғилнинг аёли. Бу атама биринчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *гелин*, иккинчи ва учинчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *келин//келиншек//келин бала* кўринишида қўлланилади. *Жезне//жезде* - ўзидан катта қиз опасининг куёви. Бу атама таҳлил қилинаётган ҳудуддаги туркманларнинг иккинчи ва учинчи гуруҳининг сўзлашув нутқида қўлланилиб, биринчи гуруҳининг сўзлашув нутқида қўлланилмайди. Бу ҳолат қорақалпоқлар билан жуда яқин ўтирган туркманларнинг сўзлашув нутқида қорақалпоқ тилининг таъсири натижасида пайдо бўлган. Сабаби қипчоқ тилларида кенг тарқалган бу атама қорақалпоқ ва қозоқ тилларида, унинг говорларида *жездә*<sup>1</sup>, *жезде*<sup>2</sup> тарзда айтилади. У Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида *йезне* тарзда учрайди.<sup>3</sup>

*Йеззе//жезде* - бу атама қорақалпоқ тилининг таъсири натижасида Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг сўзлашув нутқида ўтган сўз деб ҳисоблаш мумкин. Сабаби у туркман адабий тилида ва унинг марказий диалектларида қўлланилмайди. У Қорақалпоғистонда яшовчи туркманларнинг учинчи гуруҳининг сўзлашув нутқида *жезде* тарзида, биринчи гуруҳнинг сўзлашув нутқида *еззе* шаклида *гелнеже//геллеже* сўзи билан қатор қўлланилади. У эрга теккан ўзидан катта ёшдаги аёл кишиларга ҳурмат маъносида ҳам қўлланилади. Бу атама ҳар хил фонетик вариантларда қозоқ (*жецге*), қирғиз (*жеце*), татар (*жтцга*), бошқирд (*ецга*) тилларида учрайди.<sup>39</sup> Қариндошлик атамаларнинг туркий тилларда қўлланилиши жиҳатдан бирининг фаол, иккинчисининг нофаол бўлиши ёки тилнинг луғат таркибидан чиқиши ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари бўлиб ҳисобланади.

<sup>38</sup> Покровская Л.Н. Термины родства в тюркских языках. //Историческое развитие лексики тюркских языков. -Москва: АН СССР, 1961. -Б. 36-37.

<sup>39</sup> Покровская Л.Н. Термины родства в тюркских языках. //Историческое развитие лексики тюркских языков. - Москва: АН СССР, 1961. - Б.36-37.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Абаев В. И.* О языковом субстрате. // -В кн.: Доклады и сообщения Института языкознания АН СССР. -1956. №9
2. *Абдуллаев Ф. А.* Фонетика хорезмских говоров. - Ташкент: «Фан», 1967.
3. *Аврорин В.А.* Проблемы изучения функциональной стороны языка. - Ленинград: «Наука», 1975.
4. *Азэрбайчан дилиниц муган групу шивэлэри.* - Баки: 1955
5. *Азымов П.А.* О туркменско-русском двуязычии. // -В кн.: Проблемы двуязычия и многоязычия. - Москва:, «Наука»,1972.
6. *Амансарыев Ж.* Түркмен диалектологиясы. - Ашгабат: “Ылым”, 1971.
7. *Аразкулыев С.* Гарагалпагыстан АССР-ниц Дөртгүл районындакы түркмен геплешиклери. - Ашгабат: “Ылым”,1961.
8. *Артемов В.* Метод структурно-функционального изучения речевой интонации. - Москва: Изд.-во Лит-ры на иностр. яз.,1974.
9. *Ахаллы С.* Махмуд Кашгарының сөзлүги ве түркмен дили. - Ашгабат: “Ылым”, 1958.
10. *Ахунзянов Э. М.* Двуязычие и лексико-семантическая интерференция. - Казань: Казанского университета, 1978.
11. *Ахунзянов Э.М.* О разграничении интерференции и трансференции в условиях языковых контактов. // -В кн.: Вопросы языкознания. - Москва: АН СССР, 1978. № 5.
12. *Баранникова Л.И.* Сутцность интерференции и специфика ее проявления. // -В кн.: Проблемы двуязычия и многоязычия. - Москва: АН СССР, 1972.
13. *Баскаков Н.А.* Введение в изучение тюркских языков. - Изд. 2 -е .Испр. и доп. -Москва: Высш. шк. 1969.
14. *Баскаков А.Н.* О комплексных методах и приемах билингвистического исследования. // - В кн.: Методы билингвистических исследований. - Москва: АН СССР, 1978.



## **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА ДИНИЙ, МИЛЛИЙ, СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДАГИ РОЛИ**

**Мамиров Азизжон Ниязмухамедович**

ALFRAGANUS UNIVERCITY

фалсафа фанлари доктори (PhD)

Тошкент, Ўзбекистон

Aziz\_m@list.ru

### **АННОТАЦИЯ**

*Бугунги кунда Ўзбекистон ёшларида толерант дунёқарашни шакллантириш ўта муҳим мавзулардан бирига айланиб бормоқда. Ҳозирги даврда таълим соҳасини тўғри шакллантириш орқали ёшларга толерантлик тушунчасини сингдириш мумкинлигини кўриш мумкин. Мақолада таълим сифатини ошириш орқали ёшларга толерантлик зоясини сингдириш омиллари очиқ берилган.*

***Калит сўзлар.** Толерантлик, миллий, сиёсат, ёшлар, барқарорлик, тинчлик, тотувлик, маънавий, қадрият, илмий толерантлик, эътиқод, диний, таълим, миллат, демократия.*

## **РОЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ПРИНЦИПОВ РЕЛИГИОЗНОЙ, НАЦИОНАЛЬНОЙ, ПОЛЕТИЧЕСКОЙ И НАУЧНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ У МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ**

**Мамиров Азизжон Ниязмухамедович**

Доктор философских наук (PhD)

университета ALFRAGANUS

Ташкент, Узбекистан

Aziz\_m@list.ru

### **АННОТАЦИЯ**

*Сегодняшней день формирование толерантного мировоззрения среди молодежи Узбекистана становится одной из важнейших тем. В современную эпоху можно увидеть, что концепция толерантности может быть привита молодежи посредством правильного формирования сферы образования. В статье раскрываются факторы формирования идеи толерантности среди молодежи путем развитие качества образования.*

*Ключевые слова.* Толерантность, национальная, политика, молодежь, стабильность, мир, гармония, духовная, ценность, научная толерантность, вера, религиозная, образование, нация, демократия.

## **KIRISH**

Бугунги кунда, толерантликни ёшларда шакллантиришда педагогик омилларнинг муҳимлигини жуда кўп тилга оляпмиз. ҳар қандай педагогик тизим маълум бир тарихий жараёнда шаклланиб, ривожланади. Шу сабабли таълим соҳаси ҳақида мулоҳазалар, толерантлик нуқтаи назаридан ва толерант бўлмаган қарашларда ҳам назар солиш мумкин. Таълим соҳасининг илмийлиги, инсонийлиги ҳам ёшларни руҳий оламини тушуниш ва уни ривожлантириш воситаларини мақсадга мувофиқ даражаси билан белгиланади. Барча даврларда ҳам таълим муассасалари инсон ва жамиятнинг илғор ривожланиш талабларига мослашишга, улардан фойдаланишга интилиб келган. Жамиятда ўзаро мунособатларга, ёшларга таъсир қилиш ва улар билан яқин алоқа боғлаш воситалари, усул ва методларини билиш ва қўллаш бу борада анча яхши самара беради.

Ёшларда толерант дунёқарашни шакллантириш масалалари ижтимоий ҳодиса сифатида кўплаб Шарқ ва Ғарб мамлакатлари мутафаккирлари томонидан ўрганилган. Мутафаккирлар асарларида ўз даври муҳит ва ижтимоий иқлимидан келиб чиқиб, муаммонинг ижтимоий-фалсафий, маънавий – маърифий жиҳатлари ёритиб ўтишган.

Толерантлик феномени илдизларини, энг аввало, «Антропологик парадигма»нинг асоси бўлмиш, дунё тарихида тамал тоши ҳисобланган будда, христианлик, Шарқда ислом каби ўзида жуда кўп инсонлар бирлигини ташкил қилувчи динлар ривожини билан боғлиқ ҳисобланади. Бу учта динни бошқа динлар билан солиштирганда, диний қарама-қаршилик бўйича солиштириб бўлмас эди, аммо улар бузғунчиликка қаршилик маъносида, қабилавий ва ирқий камситилишга қаршилик бўйича фикрлари бир хил эди[1].

Толерантлик бўйича Ғарб файласуфларидан Зигмунд Фрейд инсониятни глобал муаммолар кескинлашуви, инқирозларнинг кескин тус олишидан олиб чиқишда маънавий-ахлоқий тамойилларнинг қанчалик устувор эканлигини таъкидлаб шундай дейди: «Биз бундан кейин ҳам инсоннинг табиий истак-майллари олдида ақл-идроки ожиз эканлигини тан оламиз ва эътироф этишга ҳақлимиз. Аммо, ақл-идроки ожизлигига қарамай, одамни ҳайвонийликдан инсонийликка чақиритишдан толмайди. Ақл-идрок, доимий мағлубиятларга қарамай, бир замон келиб, устувор бўлишини узоқ замонлар кутишга тўғри келади, аммо бундай замон чексиз узоқ ҳам эмас»[2]. З.Фрейд ўзининг бу

фикри билан инсониятни бугунги кунда қуршаб турган муаммоларни ақл-идрок, маънавий-ахлоқий омилларни биринчи ўринга қўйгандагина ечимини топиши мумкинлигини тушунтирмоқчи бўлади. Инсон ҳар қандай масалада маънавий ва инсоний омилларни устувор билиб, шу билан бирга, ечимини топишда барча инсонларни ҳамкорликка чақиришган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

XXI аср бошида Ғарб жамиятида «толерантлик» тушунчаси сиёсий риторикага мослаштирилиб, бирмунча чекланишлар қўйилган. Англиялик мутафаккир Жонн Локк ўз асарларида Европада диний босим кучайиб бораётган даврда жамиятда «диний толерантлик» ва «диний бағрикенглик» тушунчаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб ўтган. Толерантлик, Ж.Локк қараши бўйича, жамиятда нафақат ахлоқий, балки ижтимоий-сиёсий таълимот сифатида майдонга чиқади. У диний сабр-тоқатни ёқлаб, давлат барқарорлиги учун зарур бўлган функциялар ва уларнинг тавсифини санаб ўтиш билан чекланади[3].

**Диний толерантлик** муаммоси ҳозирги давримизда, энг долзарб, кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири ҳисобланади. Диний толерантликни дунёқараш ва ижтимоий-психологик муносабатлар ўзаро уйғунлашиб, кўп сонли диний анъаналарнинг қонунийлигини таъминлайди, шу билан бирга унга жамият онгининг мураккаб ҳодисаларидан бири сифатида қараш лозим. Диний толерантлик, шунингдек, шахслар, ижтимоий тузилмалар ва давлат даражасидаги ҳаракатлар сифатида қабул қилиниши лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, диний толерантлик фуқаролик жамиятининг қадрияти ва ижтимоий нормаси сифатида тушунилиши мумкин, бу эса унга тегишли шахсларнинг ҳар хил диний конфессияга мансублиги бўйича намоён бўлади.

Диний толерантликни ривожлантириш механизмлари, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими, конституциявий демократик ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиғича амалга ошириш имкониятлари, шахс ва жамиятнинг маънавий маданияти даражаси билан боғлиқ ҳисобланади. Қадим замонларда пайдо бўлган диний толерантлик муаммоси мўътадил мафкура ҳисобланган, ватанамиз ерида эса турли эътиқодли халқлар, буюк империялар доирасида бирга яшашга мажбур бўлди.

Тадқиқотимиз натижасида шундай хулосага келдикки, дунё аҳолисининг катта қисми ўзини диндор ҳисоблайди, шу ўринда дин Ўзбекистоннинг цивилизациявий ҳаётидаги маданий бағрикенглик кафолати ҳисобланади. Республикамизда таҳдидларнинг камайиб бориши, энг аввало, жамиятимизда

барқарор диний ривожланиш принциплари мувоффақиятли амалга оширилаётганлига боғлиқ.

- «Шахсда бағрикенглик дунёқараши, энг аввало, оилада, шунингдек, мактабгача тарбия муассасасидан бошлаб, мактаб, лицей, олий ўқув юртларида шакллантирилиб, ривожлантирилиб борилади. Инсон дунёнинг, табиат, маданият, динлар, айни пайтда миллатларнинг турлича эканлиги ва уларнинг ҳаммаси ҳурмат қилинишга муносиблигини чуқур идрок этиши учун, биринчи навбатда, ўз Ватани, халқи, унинг тили, дини, азалий урф-одатлари, маданий ўзига хослигини тўла идрок эта олиши керак. Ана шундагина у бошқа халқлар, миллатлар, динлар, маданиятларга муносиб баҳо бериш, уларни ҳурмат қилиш ва қадрлашга қодир бўлади»[4].

Бағрикенглик бугун, кеча ёки яқин ўтмишда пайдо бўлган ҳодиса эмас. Бу фазилат асрлар давомида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Толерантлик тушунчаси чуқур тарихий илдизларга эга. Масалан, Буюк ипак йўлидаги мамлакатлар ҳаёти ёки темурийлар даврига назар ташлайдиган бўлсак, маҳобатли иморатлар қурилишида турли миллат ва элат, дин вакиллари қатнашганлиги тарих китобларидан яхши маълум.

Ҳозирги кунда ҳам бағрикенгликни мустаҳкамлаш устувор йўналишга айланган. Барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун қонуний шароитлар яратилган. Юртимизда турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлаш давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг диққат марказда бўлиб келмоқда.

Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, деган қоида халқимизга хос фазилат бўлган толерантликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир.

Шу жиҳатдан «**миллий толерантлик**» тушунчаси ҳар бир миллатнинг таълим тизимида ўз менталитети, тарихий босқичлари, маданияти ва миллий психологиясидан келиб чиққан ҳолда сингдириб борилади.

Бугун республикамиз турфа маданиятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бири эканлиги ҳар бир ўзбекистонликка фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади. Кўп миллатлилиқ ва кўп маданиятлилиқ - бизнинг маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиб, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб ёшларимизнинг ҳар бири буни теран ҳис қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат бўлиб, бой маънавий меросимиз, анъаналаримизни келажак авлодга асл ҳолатда етказувчилар ҳам ёшлардир.

Ҳар бир шахснинг толерантлиги, унинг таърифи жамиятдаги ролини белгилашда кўплаб ёндашувларга қарамай, биринчи навбатда ижтимоий муносабатлар ва уни тартибга солувчи ва низоларни камайтириш механизми ҳисобланади. Шу муносабат билан бағрикенглик тамойилининг кенг тарқалиши ёшлар тарбиясида янада долзарбланиши. Ижтимоий ёндашув нуқтаи назаридан **сиёсий толерантлик** - шахслар ва ўзаро муносабатларни тартибга солувчи қадрият ва меъёрларнинг маълум тизими.

Моддий нуқтаи назардан, давлат ва ижтимоий гуруҳ ўртасидаги муносабатлар ҳар хил турдаги сиёсий бирлашмаларга (Сиёсий партиялар, жамоа бирлашмалари) бирлашиш орқали фуқароларнинг турли норозилик кўринишларини (сиёсий ҳаракатлар, жамоавий норозиликлар, муҳолиф партиялар ҳаракати) давлат томонидан ҳал қилиниши даражасини ўз ичига олади.

«...Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш»[5] тўғрисидаги устувор мақсад мамлакатимизнинг кўшни давлатлар билан ижтимоий ҳамкорлик ва толерантлик муносабатларини ривожлантиришга катта хизмат қилмоқда.

Турли хилдаги қадриятларга бўлган ҳурмат - ўзга маданиятлар билан ижобий муносабатда бўлиш орқали шахсий қадриятлар йўналишлари доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Ижтимоий муҳитнинг серқирра эканлиги сабабли унга бўлган қарашлар турли туман бўлиши табиий жараён. Сиёсий толерантликнинг ўзига хос жиҳати - инсон фикр эркинлигини ҳурмат қилгани ҳолда, халқ талабларини розилик ёки розиликсиз, бир хиллик ёки кимнингдир фойдасига оғишмаган ҳолда нейтрал қарор қабул қилишга тайёрликни англатади.

«Ижтимоий бағрикенгликнинг муҳим кўринишларидан бири сиёсий бағрикенгликдир. Мазкур тушунча ижтимоий фанлар тизимидаги янги атамалардан бири ҳисобланади. Сиёсий бағрикенглик сиёсий демократиянинг ажралмас атрибутив қисмларидан биридир. Зеро, у кишиларнинг давлат аҳамиятига молик масалалар юзасидан аниқ ва пухта ишлаб чиқилган қарашларини, соғлом сиёсий рақобат майдонида ўзини намоён қилишга қодир ижтимоий бирлашмаларнинг фаолиятини, фаол ижтимоий интеракцияни англатади»[6]



«Илмий толерантлик» тушунчасининг ўзига хослиги шундаки, унда бу мухитнинг аъзолари ҳар хил ҳатти-ҳаракат соҳиблари, турли миллат вакиллари, айниқса, эътиқод эркинлиги кафолатланган турли диний конфессия аъзолари бўлишлари билан бирга, дунёқараш ва фикрлаш даражасига кўра хилма-хилликни кўриш мумкин. Уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоя ва эътиқодлари турлича бўлгани боис бир-бирларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиши, турли дунёқарашга эга талаба ёшлар ва профессор-ўқитувчиларнинг бирга аҳилликда фаолият кўрсатиши, ижод қилиши, ўқиб-ўрганиши учун махсус макон, илму ижод муҳитидир. Бу эса ўз ўрнида «илмий толерантлик» тушунчасининг фан ва маънавий ривожда нақадар муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси «Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги» деб номланган бўлиб, ҳар бир шахснинг миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги таъкидланган.

Ҳозирги кунда толерналикка фақатгина ижтимоий тушунча сифатида қараш нотўғри ҳисобланади. Толерантлик бугунги кунда инсоният ахлоқий нормаларида талаб этилаётган энг муҳим тушунчалардан биридир. Инсон хулқ-атвори концепциясининг энг муҳим қадриятларидан бири хиаобаланади. Бу жараён ўз ичига Ватанатимизнинг миллий қадриятларига умумбашарий қадриятлар тизимини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Шундай экан ҳозирги ёшлар онгига толерантлик тамойилларини миллий ва умумбашарий хулқ-атвор ва ахлоқий нормалар орқали сингдириш унинг моҳиятини тўғри англашга олиб келади. Шу жihatдан олиб қарайдиган бўлсак толерантлик сиёсий, ижтимоий, диний, маърифий ва маънавий билимлар, урф-одат ва қадриятлар орқали намоён бўлади ҳамда ёшларни замонавий жамиятда яшаш нормаларини белгилаш орқали ривожлантирилиб, жамиятга тадбиқ этилади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки таълим-тарбия жараёнида ёшларда толерантлик, тенглик, сабрлилик тушунчаларини шакллантириш ва бунга амал қилишга ёшларни жалб қилиш муаммоси энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланиб, ҳозирда толерантлик тамойилининг глобаллашув жараёнидаги аҳамиятини турли хил миллат ва элатлар, халқлар, маданиятлар, мафқуралар ва қарашларнинг хилма-хиллигини тан олган ҳолда уларни бир-бирини

тушуниши, бир-бирига сабрли бўлиши учун ва тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Толерантлик тамойилини ёшлар онгига сингдириш мақсадида таълим жараёни иштирокчиларининг дунёқараши ва маънавиятига тегишли маълум бир педагогик талабларни, умумий ахлоқий-эстетик ва миллий қадриятлар асосида шакллантириш ва сингдиришни асосий тушунчалари ва тамойилларини ишлаб чиқиш имконини берди.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Белозёрова М.В. Проблема толерантности в межкультурной коммуникации: методологический аспект. Весник Кем ГУКИ 24/20013. Стр.-20.
2. Цвейг С. Зигмунд Фрейд. Рухий таҳлил санъати.//Жаҳон адабиёти.2000, №3.
3. Локк Дж. Соч.в 3 т. –М., 1988. Стр.-81-90.
4. Саифназаров И.Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси билан ҳамкорликда “Талаба-ёшларда толерантлик дунёқарашини шакллантиришнинг инновацион усуллари” мавзусидаги бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференцияси. № 20 // 2019.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. – Тошкент.: Адолат, 2017. 27-б.
6. Кушаев.У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги. Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертация автореферати. Тошкент. 2017.-Б 18.

**“Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences”.**  
Ilmiy jurnal. Uzbekistan: www.oriens.uz. 2024. – \_\_\_ b.

**ISSN 2181-1784**

Mazkur to'plamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6-noyabrda "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6108-sonli Farmonida ko'zda tutilgan vazifalarni ijrosini ta'minlash maqsadida "Oriental Renaissance" MChJ tomonidan ta'asis etilgan **“ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL, NATURAL AND SOCIAL SCIENCES (oriens.uz)”** ilmiy jurnalining 4-bo'lim 11-soni o'rin egallagan.

**Mas'ul muharrir:**

**falsafa fanlari nomzodi, professor M. Qodirov**

**Ilmiy kotib:**

J.B. Sulaymonov

SH.N. Pulatov

I.R. Ikramova

**Texnik muharrir:**

Sh.S.Jurayev

